

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,
Ўзбекистон шароитида уни бартараф
этишнинг йўллари ва чоралари" мавзусидаги
республика илмий-амалий анжумани**

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2009

Мижозлар сегментлари аниқлаштириладиган, бир-бирига мос ва ўлчаниладиган бўлиши зарур. Фақат ушбу талаблар бажарилганда уларни самарали тадқиқ қилиш мумкин.

Д.М. Расулев, ТДИУ

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсати ва унинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давридаги туган ўрни

Инкироз ҳақида жуда кўп адабиётлар чоп этилган бўлиб, инсоният тараққиётининг турли этапларида вужудга келган объектив, субъектив факторлар натижасида келиб чиққан ҳолатлар, уларнинг жамиятга кўрсатган ижобий ва салбий таъсирлари ўз аксини топган.

Инкирознинг келиб чиқиши бир давлат ёки ҳудуд доирасида чегараланиши мумкин, бу каби инкирозлар ўзга давлат ташки сиёсатининг мақсадини чуқур таҳлил қилмасдан турли кўринишдаги қарзларнинг олинishi, уларнинг ўз вақтида қайтара олмаслик натижасида миллий ресурслар билан ҳисоб-китоб олиб боришга мажбур бўлиши кабилардир.

Ўзга сўзлар билан айтилганда жадал ривожланиб келаётган индустриал давлатлар ўз маҳсулотини сотиш учун янги бозорлар ва арзон иш кучларига муҳтож бўладилар. Уларга эгалик қилиш эса турли йўллар билан амалга оширилади. Бунга мисол қилиб урушлар, яъни харбий юришлар ёки янги ҳудудларни куч билан босиб олиш, ўзига мойил давлатлар барпо этиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бундан ташқари инкирознинг келиб чиқиш сабаби иқтисодий, сиёсий танглик бўлиши мумкин. Танглик натижасида бир миллат аҳолиси хизматга ишончсизлик билдириб давлат тўнтаришлари содир этса, ўз давлатлари ҳудудини тарк этиб ўзга давлатларга бошпана, иш қидириб миграция қилади. Инкироз давомийлиги бўйича узоқ ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. ЯИМ нинг жон бошига таксимоти халқаро нормалардан паст бўлган давлатлар инкироз ҳолати узоқ муддат давом этади ва уларнинг бу ҳолатдан чиқиши ўзидан бошқа ҳеч бир давлатнинг манфаатига мос келмайди.

Инкироз табиий ёки сунъий йўллар билан келиб чиқиши мумкин. Табиий йўлга бошқарув тизимининг сустлиги (кадрлар масаласи), ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши ёки жаҳон бозорида конъюктуранинг кескин ўзгариши сабаб бўлади. Сунъий йўлларга эса ўз манфаътларини кўзлаб икки ёки ундан кўп давлатлар ҳудудига тегишли ресурсларнинг тақсимоти мисол бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар яқка товар маданияти олиб борувчи давлатлар сиёсати учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Бу каби таҳлилнинг вақт кесимида амалга оширилиши бир бирига ўхшаш ҳолатлар турли давлатларда, турли даврларда, турлича ҳал қилингани намоён бўлади. Юқорида келтирилган фикрлар муаллифларнинг кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиққан бўлиб, барча таҳлилий материал аниқ ахборот билан таъминланган. Мақола доирасида мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давридаги ҳолати билан чегараланганлигимиз сабабли инкироз ва танглик ҳолатларини янада батафсил таҳлил қилишдан чекландик.

Ёш республикамиз банк-молия тизими шаклланаётган бир вақтда, яъни валюта маблағларини жалб этиш механизмлари энди куртак урган, экспорт- импорт муносабатларини валюта билан таъминлаш масаласи жуда долзарб бўлган бир вақтда юртбошимиз мутасадди ташкилотларга, шу жумладан, Ўзбекистон банклар ассоциациясига ҳам топшириқ берган эдилар. Бу вақтда муаллиф кадрлар бўйича бош директор ўринбосари лавозимида ишлаб маълум маънода чет эл тажрибасига эга эди. Топшириқ қисқа вақт ичида бажарилиши зарур бўлиб, лўнда қилиб айтганда халқаро валюта фондидан кредит олиш масаласи ва унинг оқибат ва натижаларга олиб келиши таҳлили қилинишидан иборат эди. Германияда малака ошириш давридаги илмий раҳбарим сўзлари ёдимга тушиб, Лотин Америкаси мисолида таҳлилий материал тайёрланди. Халқаро валюта фонди кредитлари гўёки бу давлатларни танглик ҳолатидан чиқаргудек кўринарди, аммо йилдан йилга қарзни тўлаш учун яна қарз олиш, кейин эса табиий ресурслар билан ҳисоблашишга тўғри келди. Натижада ҳали дунёга келмаган фарзандлар қарз билан туғила бошлади. Бу каби таҳлилий материал кўпчилик ташкилотлар томонидан тайёрланиб давлат раҳбарига тақдим этилган. Тайёрланган материал албатта турли мазмунга эга эди. Баъзи ташкилотларимиз валюта танқислигидан келиб чиққан ҳолда кредитлар зарурлигини таъкидлаган бўлса, бошқа ташкилотлар ички ресурсларнинг ташқи бозорда сотиш ҳисобига валюта жалб этишни маъқуллаган. Охир оқибат, регионда жойлашган Республикалар кредитларга турли муносабатлар билдириб, турли валюта курсларига, мулкчилик шаклларига эга бўлдилар. “Бой” Қозоғистон. “Демократик” Қирғизистоннинг турмуш тарзлари бизнинг халқимиз томонидан ҳам турлича талқин қилина бошлади. Халқимизда “энг яхши дори – бу вақтдир” деб бежиз айтилмаган. Вақт ўтиши билан қарз ҳисобига яшаш, бойиш сиёсатига мутлақо қарши бўлган мустақил Ўзбекистон аста-секинлик билан ўз иқтисодиётини, валютаси барқарорлигини ва энг асосийси эркинлигини сақлаб қолди. Шу кунгача аналитиклар юртимиз иқтисодиётига иккиланиб баҳо берган бўлсалар бугунга келиб ўзгалар ҳисобига “Олимп”га чиқиш мумкин эмаслигига яна бир маротаба ишонч ҳосил қилдилар.

Ўзига хос географияга эга бўлган Ўзбекистон қанчалик жалб этилувчи маблағларга мухтож бўлмасин, меъёр доирасидан чиқмаган, яъни иқтисодий мувозанатни сақлаган ҳолда олиб борилган молиявий – иқтисодий сиёсат натижаси ўларок бугунги кунда ҳатто ривожланган давлатларни ҳам ларзага келтирган молиявий-иқтисодий инқирозга юз тутмади. Йилдан йилга иқтисодий ўсиш динамикаси ижобий кўрсаткичларга эришиб келинаётгани, кўп кутблик ер куррасида моҳирона ташқи сиёсат олиб борилаётгани, импорт ўрнини қопловчи ички ишлаб чиқаришга урғу берилиши ва энг асосийси ўсиб келаётган ёш авлод – энг қиммат бойлигимиз келажаги пойдевори, яъни Ўзбекистонга хос таълим тизимининг ташкил этилиши яна бир маротаба “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деган сўзлар шиор эмас балки дастур эканлигининг тасдиғидир. Инқироз албатта ўтиб кетади, лекин ундан қайси давлат қандай аҳволда чиқишини вақт кўрсатади.